



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

20 20 йил "6" февраль № 92

Тошкент ш.

**Кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларидан талабалар ўқишини кўчириш бўйича аризаларни қабул қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги мажлисининг 12-сон баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини республика олий таълим муассасаларига кўчириш тўғрисидаги аризаларини қабул қилишни ташкил этиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини республика олий таълим муассасаларига (тиббиёт олий таълим муассасаларидан бошқа) кўчириш тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш бўйича Худудий ишчи гуруҳлари 1-иловага мувофиқ ташкил этилсин ва жалб этилган ходимлар 2020 йилнинг 6 февралдан 16 февралга қадар бириктирилган худудларга хизмат сафарига юборилсин.

2. Худудий ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Махсус штаби 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

3. Худудий ишчи гуруҳлари раҳбарларига:

а) кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан уларнинг ўқишини кўчириш бўйича 2020 йилнинг 7 февралдан 15 февралга қадар (шу куни ҳам) ҳар куни соат 9:00 дан 17:00 гача (якшанба – дам олиш куни; шанба – соат 9:00 дан 15:00 гача) суҳбат ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш;

бунда:

фуқаронинг доимий яшаш манзили (олий таълим муассасасининг сифими ёки худуддаги олий таълим муассасаларида тегишли соҳа бўйича бакалаврият таълим йўналишлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда, истисно тариқасида бошқа вилоятдаги олий таълим муассасасига тавсия этилиши мумкин);

талаба ўқиётган бакалаврият таълим йўналишининг ўқиши кўчирилаётган бакалаврият таълим йўналишига мослиги (бундай йўналиш мавжуд бўлмаган тақдирда, турдош эканлиги);

хорижда талаба ўқиётган бакалаврият таълим йўналишларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларни асосан сиртқи ва кечки таълим шаклларига тавсия этиш;

талабалар ўқишини кўчиришда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг мавжуд имкониятлари (моддий-техник база, жумладан сменалик коэффициенти, профессор-ўқитувчилар билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар) инобатга олинишини таъминлаш;

б) ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаролар билан ўтказилган суҳбат натижалари ва қабул қилинган аризаларни умумлаштириш, рўйхатини шакллантириш ва ҳар куни соат 18:00 га қадар Махсус штабга тақдим этиб бориш;

в) заруратга кўра Худудий ишчи гуруҳи таркибига қўшимча равишда ходимлар жалб этиш;

г) ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаролар билан ўтказилган суҳбат натижалари, қабул қилинган аризалар ва уларнинг якуний рўйхатини жорий йилнинг 17 февраль кунига Махсус штабга тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Махсус штаби (У.Бегимкулов)га:

Худудий ишчи гуруҳларининг самарали, мунтазам фаолият олиб боришини таъминлаш;

Худудий ишчи гуруҳлари томонидан тақдим этиладиган ҳар кунлик маълумотларни республика миқёсида умумлаштириб, вазирлик раҳбариятига ахборот бериб бориш;

Худудий ишчи гуруҳлари фаолиятида муаммоли ҳолатлар юзага келган тақдирда, уни қисқа муддатда бартараф этиш бўйича тегишли чоратадбирларни амалга ошириш;

Худудий ишчи гуруҳларидан улар томонидан ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаролар билан ўтказилган суҳбат натижалари, қабул қилинган аризалар ва уларнинг якуний рўйхатини қабул қилиш ва республика миқёсида умумлаштириб, 2020 йилнинг 20 февралига қадар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Худудий ишчи гуруҳлари фаолият олиб борадиган олий таълим муассасалари ректорларига:

Худудий ишчи гуруҳларининг самарали фаолият олиб бориши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, жумладан, ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаролар сонининг ошиб боришини инобатга олган ҳолда компьютер техникалари билан жиҳозланган аудиториялар ажратиш;

заруратга кўра Худудий ишчи гуруҳи фаолияти учун ташкилий шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасасининг тажрибали, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимларни жалб этиш (ишчи гуруҳ фаолиятига аралашмаган ҳолда);

ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаролар ва уларнинг она-оналари учун махсус кутиш жойларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

#### 6. Белгилансинки:

Худудий ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатадиган олий таълим муассасалари ректорлари ишчи гуруҳга жалб этилган ходимлардан бошқаларнинг мазкур жараёнга аралашмаслигига шахсан жавобгардир;

Худудий ишчи гуруҳларига бириктирилган вазирлик вакиллари ва гуруҳ аъзолари мазкур фаолиятнинг юқори савияда ташкил этилиши, ноқонуний ҳаракатларга (таъмагирликка) йўл қўйилмаслигига, очиқ-ошқора ва самарали фаолият кўрсатишига ҳамда қабул қилинган аризаларнинг тўғри киритилиши ва умумлаштирилишига масъул ҳисобланади.

7. Ахборот хизмати (Ф.Бабашев) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини республика олий таълим муассасаларига кўчириш тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш муддатлари ва Худудий ишчи гуруҳлари фаолият олиб борадиган олий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликга етказиш бўйича бир кунлик муддатда тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Худудий ишчи гуруҳлари фаолиятига жалб этилган ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ ҳаражатлари уларнинг асосий иш жойларидан қопланиши инобатга олинсин.

9. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



И.Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил 19 февралдаги “ 92 ” -сон  
буйруғига 1-илова

**Кўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси  
фуқароларининг ўқишини Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларига кўчириш тўғрисидаги  
аризаларни қабул қилиш бўйича худудий ишчи гуруҳлари таркиби**

№	Худуд номи	Ишчи гуруҳи фаолият олиб борадиган ОТМ номи	Худудий ишчи гуруҳи таркиби	
			Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	ҚҚДУ	Турдиев З.Р.	ОЎМТВ бўлим бошлиғи
			Садуллаев С.	ОЎМТВ бош мутахассиси
			Бобожонов К.	УргДУ бўлим бошлиғи
			Дуйсенбаев О.	ҚҚДУ проректори
			Жумамуратов М.А.	НукусДШИ проректори
			Сейткамалов Х.А.	ТАТУ Нукус филиали директор ўринбосари
2.	Анджон вилояти	АндМИ	Абсаттаров Н.А.	ТДАУ Нукус филиали директор ўринбосари
			Тўраев Б.Р.	ОЎМТВ бошқарма бошлиғи
			Мирзаев Ш.	ОЎМТВ бош мутахассиси
			Расулов Х.	ТТЕСИ бўлим мутахассиси
			Ражабов Ш.У.	ТМИ бўлим бошлиғи
			Мамагусупов А.Ш.	АндДУ проректори
3.	Наманган вилояти	НамМТИ	Эрмагов Қ.М.	АндМИ проректори
			Атажанов М.М.	ТДАУ Анджон филиали директор ўринбосари
			Базаров О.Х.	ОЎМТВ бошқарма бошлиғи
			Чориев И.	Маънавият-марифат маркази услубчиси
			Топилдиев В.Р.	ЎзМУ бўлим бошлиғи
			Деҳқанов Д.Б.	НамДУ проректори
			Дадамирзаев М.Г.	НамМҚИ проректори
			Исроилов Р.И.	НамМТИ проректори

4.	Фаргона вилояти	ФарШИ	<p>Эсанбобоев Ф.Т.  Эшмаматов И.  Донаев С.Б.  Алимов И.М.  Ғозиев Қ.С.  Аноров Р.А.  Базаров О.О.  Тожибоев И.Т.  Ниязбеков С.С.  Рихсимбаев О.  Шамуратов Р.  Усмонов С.  Шарипов Ф.Ғ.  Сулайманов А.Н.  Қодиров Б.Б.  Лапасов Ж.  Суннатов О.М.  Жўракулов Ф.Н.  Эгамназаров Ғ.Ғ.  Хамраев М.С.  Хақимов Ғ.  Меҗякубов А.Дж.  Солеев А.  Ашуров Ш.С.  Мирзаев Қ.Дж.  Нарзиев Б.Д.  Рахимов А.Р.  Қаршиев З.А.  Тўраев Б.Х.  Адилов С.Р.  Бойматов А.  Эшқобилов Ю.Х.  Бозоро О.Н.</p>	<p>ОўМТВ бошқарма бошлиғи  ОўМТВ бош мутахассиси  ТДТУ бўлим бошлиғи  ТКТИ бўлим бошлиғи  ФарДУ проректори  ФарШИ проректори  ҚўжондШИ проректори  ТАТУ Фаргона филиали директор ўринбосари  ОўМТВ бош бошқарма бошлиғи  ОўМТВ бўлим бошлиғи  ОўМТВ бош мутахассиси  ЖизШИ бўлим бошлиғи  ГулДУ проректори  ГулДУ проректори  ОўМТВ бошқарма бошлиғи  ОўМТВ бош мутахассиси  ТДўТАУ бўлим бошлиғи  ЖизДШИ проректори  ЖизШИ проректори  ОўМТВ бошқарма бошлиғи  ОўМТВ етақчи мутахассиси  ТАҚИ бўлим бошлиғи  СамДУ проректори  СамДЧТИ проректори  СамИСИ проректори  СамВМИ проректори  СамДАҚИ проректори  ТАТУ Самарқанд филиали директор ўринбосари  “Ипак йўли” ТХУ проректори  ОўМТВ бўлим бошлиғи  ТТЙМИ бўлим мутахассиси  ҚарДУ проректори  ҚарМИИ проректори</p>
5.	Сирдарё вилояти	ГулДУ		
6.	Жиззах вилояти	ЖизШИ		
7.	Самарқанд вилояти	СамДЧТИ		
8.	Қашқадарё вилояти	ҚарМИИ		

			Мухаммадиев А.К. Убайдуллаев Ш.Р. Мустапаев А.И. Алмардонов У. Саидов Б. Ахмедов Ў.Ч. Носиров Ф.Ж. Бахрамов Ф.Х. Қосимов Ш.Ў. Расулов С.С. Каланов Х. Жўраев А. Даминов М.И. Ходжиев Ш.М. Қурбонов К. Исматов И. Хошимов А. Туксанов Қ. Абдуазизов Н.А. Қушаков А.Ж. Ҳакимов З. Мавлянов А. Каримов Н.Г. Ходжаниязов С.У. Халмурагов О.У. Холиқов А.Ж. Хасанов А. Очилов А. Эргашев Д.У. Исламов С.Я. Абдувалиев З.М.	ТАТУ Қарши филиали директор ўринбосари ТИҚХММИ Қарши филиали директор ўринбосари ОўМТВ бошқарма бошлиғи ўринбосари ОўМТВ бош мутахассиси ҚарДУ бўлим бошлиғи ТермДУ проректори ТДТУ Термиз филиали директор ўринбосари ТДАУ Термиз филиали директор ўринбосари ТДПУ Термиз филиали директор ўринбосари ОўМТВ бош мутахассиси ОўМТВ бош мутахассиси ТКТИ бўлим мутахассиси БухДУ проректори БухМТИ проректори ТИҚХММИ Бухоро филиали директор ўринбосари ОўМТВ бошқарма бошлиғи ОўМТВ бош мутахассиси БухДУ бўлим бошлиғи НавДКИ проректори НавДПИ проректори ОТРТИГТЭМ директори ОТРТИГТЭМ бўлим бошлиғи ТДИУ бўлим бошлиғи УргДУ проректори ТАТУ Қарши филиали директор ўринбосари ОўМТВ бош бошқарма бошлиғи Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи (келишув бўйича) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси (келишув бўйича) ТДПУ проректори ТДАУ проректори ТАҚИ проректори
9.	Сурхондарё вилояти	ТермДУ		
10.	Бухоро вилояти	БухМТИ		
11.	Навоий вилояти	НавДКИ		
12.	Хоразм вилояти	УргДУ		
13.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	ТДТУ		



		Бобожонов О.	ТДЮУ декани
		Ўрозов А.	ЎзДСМИ декани
		Эшонкулов Ғ.	ЎзМУ декани
		Искандаров А.	ТДТУ декани



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “ ” февралдаги “ ”-сон  
буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, қўшни давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини республика олий таълим муассасаларига кўчириш тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш бўйича Худудий ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича Махсус штаб таркиби**

1.	У.Бегимқулов	–	Вазир ўринбосари, Махсус штаб раҳбари
2.	А.Холиқов	–	ОЎМТВ бош бошқарма бошлиғи
3.	А.Одилов	–	Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси бошқарма бошлиғи (келишув бўйича)
4.	А.Абдуллаев	–	ОЎМТВ бошқарма бошлиғи
5.	Қ.Абдурахимов	–	ОЎМТВ бошқарма бошлиғи ўринбосари
6.	Р.Сулейманова	–	ОЎМТВ бўлим бошлиғи
7.	И.Нематов	–	ОЎМТВ бўлим бошлиғи
8.	А.Маманазаров	–	ОЎМТВ бош мутахассиси
9.	С.Маматкаримов	–	ОЎМТВ бош мутахассиси